
“ТАШАББУС-2021” ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИДА КИМЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган анъанавий “Ташаббус-2021” кўрик-танловининг Риштон тумани босқичи ўтказилди. Туман ҳокимлиги мажлислар залида танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Азиз Мустафоқулов иштирок этиб, ғолибларни қутлади ҳамда навбатдаги босқичда ҳам уларга омад тилади. Йўналишлар бўйича ғолиблар билан танишинг:

“Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналиши бўйича – “Ал-Азиз-Абдулазиз Абдухамид” х/к. Раҳбари - Абдурахмонов Абдухамид.

“Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналиши бўйича – Ибн Сино хусусий мактаби. Раҳбари – Қосимов Қодирали.

“Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори” йўналиши бўйича – “ASIAN AGRO EXPO” MChJ. Раҳбари - Хўжамназаров Жасурбек.

“Йилнинг энг яхши хунарманди” йўналиши бўйича – ЯТТ Раҳимов Шукур. Раҳбари - Раҳимов Шукуржон. Тақдирлаш маросимида кўрик-танлов ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-06-11 10:34:05